



“ТАСДИҚЛАНГАН”

“O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari”

акциядорлик жамияти

Ягона акциядорининг

2024 йил “24” июн даги 11 - сон

қарори билан

**“O‘ZBEKISTON MILLIY ELEKTR TARMOQLARI”
AKSIYADORLIK JAMIYATI
УСТАВИ**

(янги тахрирда)

Тошкент шаҳри 2024 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. “O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” aksiyadorlik jamiyati (кейинги ўринларда “Жамият” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислох қилиш стратегияси тўғрисида» 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сон қарори асосида ташкил этилган.

1.3. Жамиятнинг фирма номи:

1.3.1. Ўзбек тилида:

Тўлиқ номи: “O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” aksiyadorlik jamiyati.

Қисқартирилган номлари: “O‘zbekiston MET” AJ ёки “O‘zMET” AJ.

1.3.2. Рус тилида:

Тўлиқ номи: Акционерное общество “Национальные электрические сети Узбекистана”.

Қисқартирилган номлари: АО “НЭС Узбекистана” ёки АО “НЭС Уз”.

1.3.3. Инглиз тилида:

Тўлиқ номи: Joint Stock Company “National Electric Grid of Uzbekistan”.

Қисқартирилган номлари: JSC “NEG of Uzbekistan” ёки JSC “NEG Uz”.

1.4. Жамиятнинг почта манзили ва жойлашган жойи: 100084 Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 42-уй.

1.5. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@uzbekistonmet.uz

1.6. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.uzbekistonmet.uz

1.7. Жамият Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сон қарорига асосан “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятининг магистраль электр тармоқлари орқали электр энергиясини узатиш бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги ПФ-166-сон Фармониға мувофиқ Республика электр энергетикаси тизимида электр энергиясини ташиш ва транзит қилишга ихтисослашган ягона магистраль электр энергияси узатиш тизими оператори вазифасини бажаради.

1.8. Жамият бошқа давлатлар, халқаро институтлар ва ташкилотлар билан электр энергетикаси масалалари борсида қонунчиликда белгиланган тартибда ҳамкорлик қилади.

1.9. Жамият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ва умуммажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларга, шунингдек ушбу Уставга амал қилади.

1.10. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.11. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

1.12. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

1.13. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкларга, ўз тимсолига, шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.14. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

1.15. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

1.16. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ, АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

2.1. Жамият ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади ва фаолият соҳасининг асосий мақсади фойда олишдир.

2.2. Жамият фаолиятининг мақсадлари:

- республиканинг магистраль электр тармоқларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш;

- электр энергияни республиканинг магистраль электр тармоқлари орқали етказиб бериш ва давлатлараро транзитни амалга ошириш;

- қўшни давлатларнинг электр энергетика тизими билан барқарор боғланишни таъминлаш ва параллель ишлаш режимларини бошқариш;

- ягона электр энергетикаси тизимининг хавфсиз ва ишончли ишлаб туришини таъминлаш;

- электр энергиясини ҳосил қилиш ва унинг истеъмоли балансини шакллантиришда иштирок этиш ҳамда электр энергиясини узатиш (етказиб бериш) тарифлари юзасидан таклифлар киритиш;

- магистраль электр тармоқларини бошқариш;

- магистраль электр тармоқлари ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва устидан назоратни амалга ошириш;

- магистраль электр тармоқлари объектларидаги созлаш, таъмирлаш ва лойиҳа ишларни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш ҳамда техник хизматларни кўрсатиш;

- магистраль электр тармоқлари объектларида электр энергияси ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш;

- магистраль электр тармоқлари объектларида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникасига доир ишларни мувофиқлаштирилишини амалга ошириш.

- қонун ҳужжатларида белгиланган ишларни амалга ошириш.

2.3. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- магистраль электр тармоқлари тизими орқали электр энергиясини барқарор узатиб (етказиб) берилишини таъминлаш;

- магистраль электр тармоқларини ривожлантиришнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли истиқболларини ҳамда мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш;

- электр энергияси ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансларини шакллантиришда иштирок этиш;

- магистраль электр тармоқларини замонавий асбоб-ускуналар ва илғор технологиялар асосида, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳисобига, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;

- магистраль электр тармоқлари орқали электр энергиясини узатишда технологик йўқотишларни (технологик сарфларни) камайтириш чора-тадбирларини амалга оширилишини ташкил этиш;

- Жамиятнинг ташкилий тузилмасига кирувчи корхона ва ташкилотларга ахборот хизматларини кўрсатиш;

- магистраль электр тармоқлари объектларида ишлаш ва хизмат кўрсатиш учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

- хорижий ташкилот ва корхоналар билан иқтисодий, техникавий, технологик ва инвестицион ҳамкорликни амалга ошириш ва кенгайтириш;

- республика ва дунё бозори конъюктурасини ўрганган ҳолда магистраль электр тармоқлари объектларини модернизациясига ва кенгайтирилишига инвестицияларни жалб этиш;

- Жамият фаолияти жараёнига янги технологияларни ва менежментнинг илғор усулларини жорий этиш;

- энергетик қувватларнинг ўзаро боғланган ва мувозанатлаштирилган тарзда Жамиятнинг ривожланиши дастурларини ишлаб чиқиш;

- Жамиятга тегишли бўлган мулкни ва акциялар пакетларини самарали бошқаришни таъминлаш.

2.4. Қўйилган вазифаларни бажариш учун Жамият куйидаги функцияларни амалга оширилишини таъминлайди:

- унга берилган ҳуқуқлар чегарасида масалаларни ҳал қилиш ва тасарруфидаги корхоналарни бошқариш;

- Жамият таркибига кирган корхоналарга замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш;

- магистраль электр тармоқларини ривожлантириш концепциясини ва миллий дастурларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

- магистраль электр тармоқлари объектларида эксплуатация фаолиятини, қурилиш-монтаж ишларини, лойиҳа ишлари ва тадқиқотларни мувофиқлаштириш;

- электр энергетикаси тизими объектларининг (электр станциялари ва тармоқлари) уйғун ишлашини кеча-ю кундуз оператив диспетчерлик бошқариш;

- магистраль электр тармоқлари объектларини қайта техник жиҳозлаш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, ускуналарни замонавийлаштириш йўли билан асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш;

- **электр энергиясини узатиш (етказиб бериш);**

- бошқа энергетик тизимлар учун электр энергияси (қувват)ни транзит қилиш хизматларини амалга ошириш;

- электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва сотиш билан шуғулланадиган корхоналар билан шартномавий муносабатларни амалга ошириш;

- қонунчиликда белгиланган тартибда акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни алмаштириш, сотиб олиш ва сотиш бўйича битимларни амалга ошириш;

- ишлаб чиқариш, тижорат ва илмий-техник фаолиятига маблағларни инвестициялаш;

- электр энергиясини узатиш (етказиб бериш) бўйича бозор конъюктурасини ўрганиш ва таҳлил қилиш, маркетинг ва консалтинг фаолиятини амалга ошириш;

- Жамият ижтимоий ривожланиши, меҳнат жамоасининг ижтимоий қўллаб қувватлаш ва ҳимояси бўйича стратегия ва тактикасини шакллантириш;

- Жамиятнинг ишлаб чиқариш ва хизмат харажатларини камайтириш, молия-хўжалик фаолияти рентабеллигини ошириш;

- электр энергиясини узатиш (етказиб бериш) ва сотишда замонавий ҳисоблаш ўзаро ҳисоб-китоб тизимларини жорий этиш;

- янги ишлаб чиқариш, товар, инжиниринг, молия-кредит ташкилий тузилмаларини ва уларнинг бирикмаларини шакллантириш;

- Жамият тизимидаги корхона ва таркибий бўлинмалари учун кадрларни тайёрлаш

ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш;

- Жамият тизими ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этиш;

- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

- янги халқаро иқтисодий алоқаларни ташкил қилиш.

2.5. Кўрсатиб ўтилганлар билан бир қаторда Жамият қуйидагиларни ҳам амалга ошириши мумкин:

- юридик ва жисмоний шахсларга консалтинг, техник хизмати, қурилиш, ахборот, лизинг ва маркетинг хизматларини кўрсатади;

- франчайзинг фаолиятини амалга оширади;

- савдо кўргазмалари ва ярмаркаларида қатнашади ва уларни уюштириш;

- «ноу-хау» патентларини ва рационализаторлик таклифларини сотиб олиш ва сотишни амалга ошириш.

2.6. Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга оширишга ҳақлидир. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари билан Жамият шундай лицензия олганидан кейин шуғулланиши мумкин.

III. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИ, УНИ ОШИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

3.1. Жамиятнинг Устав капитали акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

3.2. Жамиятнинг устав 5 113 388 761 500,0 (беш триллион бир юз ўн уч миллиард уч юз саксон саккиз миллион етти юз олтмиш бир минг беш юз) сўмни ташкил қилади. У ҳар бирининг номинал қиймати 100 сўм бўлган 51 133 887 615 дона оддий акциялардан ташкил топган.

Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш

Жамиятнинг Устав капитали кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.4. Кўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

3.5. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига кўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 100 (юз) сўм бўлган 52 717 436 781 (эллик икки миллиард етти юз ўн етти миллион тўрт юз ўттиз олти минг етти юз саксон бир) дона оддий акциялардан иборат.

3.6. Кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамият устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарор ягона акциядор томонидан қабул қилинади.

3.7. Кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамият устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча оддий акцияларнинг умумий қиймати, сони, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

3.8. Жамиятнинг устав капитали кўпайтирилаётганда Жамиятнинг кўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини кўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

3.9. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жамиятнинг устав капиталини камайтириш

Жамиятнинг устав капитални акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.11. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар ягона акциядор томонидан қабул қилинади.

3.12. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда Жамият ягона акциядор устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

IV. ЖАМИЯТНИНГ КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ

4.1. Жамият корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

4.2. Жамият корпоратив облигациялари Жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

4.3. Жамият мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитални миқдори доирасида чиқаришга ҳақли.

4.4. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

4.5. Жамият томонидан Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор Жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

V. ЖАМИЯТ ФОЙДАСИНИ (ЗАРАРИНИ) ТАҚСИМЛАШ ВА ДИВИДЕНД ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Амалдаги қонунчиликка асосан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг Жамият ихтиёрида қоладиган соф фойда, шунингдек ўтган даврлардаги тақсимланмаган соф фойда ягона акциядор томонидан тақсимланади.

5.2. Жамият зарарини қоплаш ягона акциядор қарори асосида захира фонд маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5.3. Дивиденд-соф фойданинг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

5.4. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳақли.

5.5. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

5.6. Акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Жамият кузатув кенгаши тавсияси асосида ягона акциядор томонидан қабул қилинади. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

5.7. Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби Жамият ягона акциядор қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

5.8. Жамият:

- Жамият устав капиталининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

- агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав капитали ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

5.9. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни корпоратив ахборот ягона порталида ва Жамиятнинг расмий веб-сайтида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

6.1. Жамият соф фойдаси ҳисобидан:

- Жамият устав капиталининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида захира фонди;

- Жамият Кузатув кенгаши томонидан аниқланадиган, Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни тузишга ҳақли.

6.2. Жамият захира фондига ушбу Уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдоридан кам бўлмаган ажратмалар ўтказлади.

6.3. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

6.4. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

7.1. Жамиятнинг бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:

- Ягона акциядори;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи — бошқарув.

Ягона акциядор

7.2. Ягона акциядор Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

7.3. Ягона акциядорнинг ваколат доирасига қуйидагилар кирази:

- Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- Жамиятни қайта ташкил этиш;
- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Жамият Кузатув кенгашининг сони ва таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ва жамият устав капиталини

кўпайтириш билан боғлиқ бўлган ўзгартиришларни Жамият уставига киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг устав фондини камайтириш;

- ўз акцияларини қайта сотиб олиш;

- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини Кузатув кенгаши томонидан мақуллангандан сўнг тасдиқлаш ва Жамият ижроия органининг фаолияти тартибини белгилаб берувчи Низомни тасдиқлаш;

- Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини Кузатув кенгаши томонидан мақуллангандан сўнг тасдиқлаш;

- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳалар Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ҳамда жамият фаолиятининг асосий йўналишларини ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

- “Ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш;

- электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- ягона акциядор қарориди ҳисобот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, ягона акциядор давомийлигини белгилаш;

- Жамият Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;

- ягона акциядорнинг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимларни аниқлаш;

- дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилиш, акцияларнинг ҳар бир тоифаси ва тури бўйича дивиденд миқдори, тўлов шакли ва тартибини белгилаш;

7.4. Агар қабул қилиниши лозим бўлган қарор бўйича қонунчиликка ва ушбу Уставга мувофиқ Жамият кузатув кенгашининг тавсияси ёки кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда маъқулланиши лозим бўлса, бундай қарорлар Жамият ягона акциядори томонидан шундай тавсиялар олингандан сўнг ёки дастлабки тарзда маъқулланганидан сўнг қабул қилинади.

7.5. Жамият ҳар йили Ягона акциядор йиғилишини ўтказиши шарт.

Ягона акциядорнинг йиллик йиғилиши молия йили тугаганидан кейин камида олти ойдан кечиктирмай ўтказилиши лозим. Ягона акциядорнинг йиллик йиғилишида Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида, бошқарув аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади ва тегишли қарорлар қилинади.

7.6. Ягона акциядорнинг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиш учун берилиши мумкин эмас.

7.7. Ягона акциядорнинг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамият Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно:

7.8. Ягона акциядорнинг ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, «Ягона акциядор тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинади.

- Жамиятнинг Кузатув кенгаши

7.9. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, амалдаги қонунчилик ва Жамият устави билан ягона акциядорнинг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

7.10. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари ягона акциядор томонидан уч йиллик муддатга сайланадилар. Жамият кузатув кенгаши аъзолари 7 (етти) киши бундан 2 (икки) нафари мустақил аъзодан иборат.

7.11. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- ягона акциядорнинг умумий йиғилиш кун тартибини тайёрлаш ва ўтказиладиган сана, вақт ва жойини белгилаш;
- ягона акциядор йиғилишини ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ва йиғилишда иштирок этиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
- аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқаришларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш акциялар тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамият ижроия органини тузиш, аъзоларини лавозимга тайинлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;
- Жамият ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- Жамият ижроия органининг фаолиятига даҳлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига

тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш (йирик битим тузиш масаласи бўйича Жамият Кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Кенгашнинг қарорига кўра ягона акциядор қарори ҳал қилиш учун олиб чиқилиши мумкин);

- қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

- Жамиятнинг филиаллари, ваколатхоналари, унитар, шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш ва тугатиш;

- Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар энг юқори миқдорларини мақуллаш;

- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш масаласини мақуллаш;

- Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган йиллик бизнес-режасини ҳисобот (жорий) йилнинг 1 декабригача тасдиқлаш;

- Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

7.12. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

7.13. Жамият Кузатув кенгашининг мажлислари Жамият Кузатув кенгашининг Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгаши, бошқарув раиси ва ички аудит хизмати бошлиғи талабига кўра чақирилади.

Жамиятнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари (агар мавжуд булса) Кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби юзасидан таклиф киритиш ҳамда Жамият Кузатув кенгаши бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга.

7.14. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларининг камида 75 (етмиш беш) фоиздан кам бўлмаслиги керак.

7.15. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, мазкур уставнинг 7.17.-бандида кўрсатилган масалалар бундан мустасно. Жамият Кузатув

кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Жамият Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

7.16. Қуйидаги масалалар бўйича қарор Жамият Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади:

- Йирик битим ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисидаги қарорлар;

- Жамият Кузатув кенгаши томонидан сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қарорлар қабул қилинганда.

7.17. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Жамият Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

7.18. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаш томонидан қарор қабул қилишда Жамият Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга.

7.19. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирилмай тузилади.

7.20. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлисининг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

7.21. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этган Кузатув кенгаш аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

7.22. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади.

7.23. Агар Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари қонунчиликка ёки Жамият уставига зид бўлса, бу қарорлар устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

7.24. Жамият Кузатув кенгашининг фаолият олиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, ушбу Устав ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан белгиланади.

7.25. Кузатув кенгаши ҳузурида энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва жамиятнинг кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун кузатув кенгаши аъзолари орасидан қўмиталар ташкил этиш, шу жумладан Стратегия

ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитас, Тайинлов ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси ва боршқалар.

7.26. Жамият Кузатув кенгаши ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият ижроия органига берилиши мумкин эмас.

Жамиятнинг ижроия органи — Бошқарув

7.27. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик бошқарув ва унинг раиси томонидан амалга оширилади. Бошқарув ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Ягона акциядор ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

7.28. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Бошқарув аъзолари бўла олмайдилар.

7.29. Жамият Бошқаруви 5 аъздан, шу жумладан раис ва унинг 4 ўринбосарларидан иборат бўлиб, улар (раисдан ташқари) лавозимларга Жамият кузатув кенгаши қарорлари билан уч йиллик муддатга сайланадилар (тайинланадилар). Жамият Бошқарув аъзоларини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

7.30. Жамиятнинг Бошқаруви аъзолари электр энергетика соҳасида, шу жумладан электр тармоқлари тизимини бошқариш соҳасида малака ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

7.31. Бошқарув ишига раҳбарликни Бошқарув раиси амалга оширади ва ўз ваколатлари доирасида жамият номидан ишончномасиз иш кўришга ҳақлидир.

7.32. Бошқарув раисининг ўринбосарлари ўз ваколатлари доирасида ишончнома асосида Жамият номидан иш кўришга ҳақлидирлар.

7.33. Жамият Бошқарувининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- Жамият ягона акциядори ва кузатув кенгашининг ваколатига кирувчи масалалардан ташқари, жамият фаолиятининг барча масалаларини ҳал қилиш;

- Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир нечта битимлар бўйича қарор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётганда Жамият соф активлари миқдорининг 15 фоизигачасини ташкил этса, акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;

- шўъба корхоналарнинг (филиалларнинг) ташкилий тузилмасини ва ходимларининг меъёрий сонини тасдиқлаш;

- Жамият ходимларининг меҳнат ҳақини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси, меҳнат ҳақи тўлашга тегишли қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар, жамоа шартномаси (битими) ва жамиятда амал қилувчи бошқа маҳаллий ҳужжатларга ҳамда ходим ва иш берувчи орасида тузилган шартномага мувофиқ, соҳа тариф сеткаси асосида белгилаш.

7.34. Жамият Бошқаруви раиси ваколатларига қўйидагилар киради:

- Жамият ягона акциядор ва Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини ташкил этиш.

- Мазкур Устав ва жамият Ижроия органи тўғрисидаги низомига асосан унга берилган ваколатлар доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- Ишчи ва ходимларга иш ҳақи ва мукофотлар миқдорини белгилаш;

- Жамият номидан ишончмасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- Жамият номидан кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар тузиш;

- Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш;

- ходимлар штатларини тасдиқлаш, ходимларни (ишчиларни) ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомига риоя қилинишини таъминлаш;

- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- Ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- Жамиятда бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш, шу жумладан эълон қилиш мақсадида Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига ўтказишини таъминлаш;

- Қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият фаолиятига доир маълумотларни ошкор қилиш;

- Йилик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- Жамият архиви ишини ташкил этиш ва ундаги ҳужжатлар бутлигини таъминлаш;

- Амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;

- Амалдаги қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа ваколатлар ҳам берилиши мумкин. Бошқарув камида бир ойда бир марта йиғилади. Бошқарув мажлисида Бошқарув аъзоларининг камида 60 (олтмиш) фоизи қатнашганда, Бошқарув мажлиси ваколатли ҳисобланади. Бошқарув мажлисида баённома юритилади, у Бошқарув раиси томонидан, Раис узурли сабабларга кўра иштирок этмаган тақдирда мажлисга раислик қилган шахс томонидан имзоланади.

7.35. Бошқарув ўз аъзоларининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда раиснинг овози ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади.

7.36. Бошқарув Жамиятга нисбатан қонунчилик ва ушбу Устав томонидан, шунингдек Жамият Кузатув кенгаши томонидан ўрнатилган барча талабларга риоя қилиши шарт.

7.37. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари, жамият бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари, шунингдек ишончли бошқарувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

7.38. Агар бошқарувнинг бир неча аъзолари жавобгар деб топилса, улар Жамият олдида солидар жавобгар бўлади.

7.39. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

7.40. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси, бошқарув аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

7.41. Суд жамиятнинг кузатув кенгаши аъзосини, бошқарув раисини ёки бошқарув аъзосини жамиятга мулкӣ зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг, бошқарув раисининг ёки бошқарув аъзосининг ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

7.42. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, бошқарув раиси ёки бошқарув аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи жамиятга чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилиланган

шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

7.43. Ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган, жамиятнинг ижроия органи — Бошқаруви аъзолари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) (кейинги ўринларда — самарадорлик кўрсаткичлари)га қараб:

самарадорлик кўрсаткичлари бажарилганлиги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ташкилотлар ёки Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари томонидан тасдиқланади, бундан натижаси автоматик тарзда шакллантириладиган самарадорлик кўрсаткичлари мустасно;

хар бир самарадорлик кўрсаткичига белгиланадиган салмоқ ўлчови йиғиндисидан келиб чиқиб, самарадорлик кўрсаткичлари улар бажарилиши 70 фоиздан кам бўлганда — “қоникарсиз”, 70 фоиздан 85 фоизгача — “қоникарли”, 85 фоиздан 100 фоизгача — “яхши” ҳамда 100 фоиз ва ундан юқори бўлганда “аъло” деб баҳоланади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини рағбатлантириш тўловлари миқдори уларнинг самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб белгиланади;

чорак якуни бўйича самарадорлик кўрсаткичларига эришиш натижалари «қоникарсиз» деб баҳоланган раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарларига рағбатлантириш тўловлари келгуси уч ой учун тўхтатилади ва уларга нисбатан интизомий таъсир чораларини қўллаш масаласи кўриб чиқилади, бундан Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида самарадорлик кўрсаткичлари асослантилган сабабларга кўра бажарилмаганлиги тасдиқланган ҳоллар мустасно;

йил якуни бўйича самарадорлик кўрсаткичларига эришиш натижалари «қоникарсиз» деб баҳоланган раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарларига нисбатан уларнинг эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги масаласи кўриб чиқилади.

Жамият филиаллари

. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сон қарорига мувофиқ Жамият номидан:

электр энергиясини ишлаб чиқарувчи, шу жумладан хусусий капитал иштирокидаги корхоналаридан электр энергиясини қабул қилиб, ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига узатишни, шунингдек бошқа давлатларнинг электр энергетикаси тизимлари, магистраль электр тармоқлари билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш ишларини амалга оширувчи 14 та ҳудудий магистраль электр тармоқлари филиаллари;

энергетика тизими бўйича фаолият юритадиган “Energo IT” филиали;
 курилиш ва созлаш ишлари билан шуғулланадиган
 “Магистральтармоққурилиш” филиали;

Жамият Ягона акциядорининг 2023 йил 19 апрелдаги 1-сон қарорига мувофиқ Жамиятнинг 100 фоиз иштирокидаги “Энергомахсусавто” МЧЖни барча мол-мулклари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини Жамиятга қўшиб олиш йўли билан ташкил қилинган махсус автотранспорт воситалари билан энергетика тизимида хизмат кўрсатувчи “Энергомахсусавто” филиали мавжуд.

. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Ички аудит хизмати

8.1. Жамият ички аудит хизмати жамият Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

8.2. Жамиятнинг ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Шунингдек, Ички аудит хизмати жамиятдаги ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

8.3. Қуйидагилар ички аудит хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- Жамият Кузатув кенгашини ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича Жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш;

- ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан Жамият бошқарув органига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш.

8.4. Қуйидагилар ички аудит хизматининг асосий функциялари ҳисобланади:

- ҳар йили Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган режага мувофиқ текширишлар ўтказиш йўли билан ички аудитни амалга ошириш (ҳар чоракда ва ҳисобот йили якунлари бўйича);

- тузиладиган хўжалик шартномаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиш;

- бухгалтерия - ҳисобини юритишда ва молиявий ҳисоботни тузишда корхонанинг таркибий бўлинмаларига методик ёрдам бериш, уларга молия, солиқ, банк қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

- техник топшириқларни ишлаб чиқишда, ташқи аудиторлик ташкилотларининг таклифларини баҳолашда ҳамда аудиторлик текширишларини ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлашда тавсияларни тайёрлашда Жамиятнинг кузатувчи кузатув кенгашига кўмаклашиш.

8.5. Жамиятнинг ички аудит хизмати:

- тасдиқланган бизнес-режа бажарилишини;
- корпоратив бошқариш принципларига риоя қилинишини;
- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг ҳолатини;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланишини;

- молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя этилишини;

- активларнинг ҳолатини;

- ички назоратнинг ҳолатини текширади ва уларнинг мониторингини олиб боради.

8.6. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга ҳамда Жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ амалга оширади.

Аудиторлик ташкилоти

8.7. Ягона акциядор қарори қарорига асосан жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун танлов асосида аудиторлик ташкилоти жалб этилади.

8.8. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

8.9. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва жамият фаолияти билан боғлиқ бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри хулосаси оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Жамият Бошқаруви ўз ваколатлари доирасида мазкур уставга киритиладиган барча ўзгартириш, қўшимчаларни ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказади.

9.2. Жамият уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

9.3. Агар мазкур уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

9.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

9.5. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

9.6. Мазкур Устав ва унинг киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi

GUVOHNOMA



Yuridik shaxs

"O`ZBEKISTON MILLIY ELEKTR TARMOQLARI" AKSIYADORLIK JAMIYATI

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

"O`ZBEKISTON MILLIY ELEKTR TARMOQLARI" AJ

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

306 347 741

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

18.04.2019

Sana

2032707

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Faoliyat yuritadigan manzil:

TOSHKENT SHAHRI, YUNUSOBOD TUMANI, OSIYO KO'CHASI, 42-UY

Tomonidan berilgan:

YUNUSOBOD TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

2598957





Adliya vazirligi

Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgartirishdan oldin

Soliq to'lovchi jamiyat identifikatsiya raqami (SIR) 306 347 741

Nomi

O'ZBEKISTON MILLIY ELEKTR TARMOQLARI

Tashkiliy tuzilish shakli

Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joy (manzili)

Toshkent shahri, Yunusobod tumani, OSIYO KOCHASI, 42-UY

O'zgartirishdan keyin

Soliq to'lovchi jamiyat identifikatsiya raqami (SIR) 306 347 741

Nomi

O'ZBEKISTON MILLIY ELEKTR TARMOQLARI

Tashkiliy tuzilish shakli

Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joy (manzili)

Toshkent shahri, Yunusobod tumani, OSIYO KOCHASI, 42-UY

09.07.2024

Quyuhonoma olingan sana

2513114

Ariza raqami



2598956



Adliya vazirligi

Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgarishdan oldingi aksiyalar

Aksiya so'g' raqamining umumiy
Oddiy aksiyalar

Aksiyalar soni: 51133887615

Aksiya bahosi: 100 so'm

Ustav fondi

5113388761500 so'm

09.07.2024

Quyuhonoma olingan sana

2513114

Ariza raqami



2598956



O'zbekiston Respublikasi
Adliya vazirligi

Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgarishdan keyingi aksiyalar

Aksiyalar hisobidagi aksiyalar

Oddiy aksiyalar

Aksiyalar soni: 51133887615 Aksiya bahosi: 100 so'm

Ustav fond:

5113388761500 so'm

09.07.2024

2513114

Quvohnoma olingan sana

Ariza raqami

2598956

